O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 25 январь, № 18 (4428) Жума


# АҚШ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ ҚЎМОНДОНЛИГИ ҚЎМОНДОНИ АДМИРАЛ УИЛЬЯМ ФЭЛЛОННИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ҲАҚИДА



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 январь куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони адмирал Уильям Фэллонни қабул қилди.**

Учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, қўшни Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, шунингдек, халқаро терроризмга, наркотрафикка, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши ва бошқа замонавий таҳдидларга қарши курашиш борасида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар билан боғлиқ масалалар ҳақида ҳам сўз борди.

Адмирал Фэллон қабул учун миннатдорлик билдириб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканини таъкидлади.

Шу куни адмирал Фэллон Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби, Ўзбекистон Республикаси мудофаа ва ташқи ишлар вазирлари, чегара қўшинлари қўмондони билан ҳам учрашди. Музокараларда ўзаро ҳамкорликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



***24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилишни давом эттирди.***

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси Т.Раҳимов тақдим этган «Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонунчилик палатаси депутатлар томонидан киритилган таклифларни муҳокама қилиб, Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев тақдим этди. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан сўнг депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С. Жабборов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Ушбу ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида тушган таклифларни эшитиб ҳамда муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А. Тўхтабоевнинг маърузаси бўйича депутатлар «Хорижий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллашнинг тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти доирасида қабул қилинган халқаро шартномаларга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақидаги қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқди. Ушбу масалалар бўйича Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзолари И. Коренев, Н. Каримов, У. Исмоилов маъруза қилдилар. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси кўриб чиқилган қонунларни қабул қилди.

«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Н. Алимов маъруза қилди. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С. Маҳмудов «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Мазкур ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

**(ЎзА).**

***Гоҳида шундай ҳолатларга дуч келамиз: бирон бир ўсмир ёки тоғни урса талқон қиладиган ёш, ёвқур йигит ножўя иш қилиб қўйса, ҳатто оғирроқ жиноятни содир этиб, айбдорлик курсисига ўтирса, бунинг сабабини унинг ёшлигидан излаймиз. «Ёш-да!» деймиз. «Ёшлик қилиб қўйибди-да» деб, уни оқлашга уринамиз.***

***Аслида, шундайми? Йўқ, асл ҳақиқат бундай эмаслигини кўҳна тарихнинг ўзи яққол исботлаб келяпти. Инсон — тирикликнинг гултожи, энг олий мавжудотдир. Жумладан, унинг ёшлиги ҳам нуқсон эмас, балки фазилатдир.***

# ЁШЛИК — КАМОЛОТ ФАСЛИ

**Нигоҳ**

Бунинг далилларини ўтмишдан ва замона ҳаётидан кўплаб келтириш мумкин. Узоққа бормасдан халқимиз тарихига бир назар ташлайлик. Буюк аллома Ибн Сино 16 ёшидаёқ Бухоро салтанати ҳудудида энг тан олинган табиб сифатида шуҳрат қозонган. Атиги 16 ёшида! Соҳибқирон Амир Темур бобомиз эса айни 24 ёшида фавқулодда қудратли ватанпарварлик намунасини кўрсата олди. Яъни фотиҳ Тўғлуқ Темурхон ғазабидан қўрқиб «манман» деган Мовароуннаҳр амирлари Ватанни ёв оёғи остига ташлаб, бошқа юртларга қочиб кета бошлаган бир пайтда, у мўғул хони ҳузурига бошини тик тутиб кириб борди ва она Кеш мулкига озор етказмаслик масаласини хон олдига қўйди. Тўғлуқ Темурхон ҳам Темурбекнинг мардлиги, довюраклигига қойил қолиб, Кеш вилоятини бошқаришни унга топширди. 24 ёшида Амир Темур ана шундай йигит эди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг набираси Мирзо Улуғбек 28-30 ёшида Самарқанднинг Кўҳак тепалигида башариятнинг энг улуғ илмий иншоотларидан бири — Самарқанд расадхонасини бунёд этди. Мирзо Улуғбек шундай буюк маърифатли йигит бўлган.

Машҳур муаррих Хондамир ўзининг «Макоримул-ахлоқ» асарида далолат бериб қолдирганидай, Мир Алишер Навоий авжи «йигитлик чоғида» шундай бемисл шоирона бир байтни битиб, мавлоно Лутфийга ўқиганки, у Навоийнинг ана шу икки сатр ғазалига, агар имкон бўлса, ўзининг бутун 12 минг байтдан иборат улуғ ижодиётини алишишга тайёр эканлигини чин дилдан изҳор этган. Бу воқеа Навоийнинг даҳо ёшлигини ва кекса Лутфийнинг инсоний мардлигини асрлардан асрларга ҳикоя қилиб тураверади.

Ёки: Темурийзодалардан яна бири Мирзо Заҳириддин Муҳаммад Бобур атиги 22 ёшида (1504 йилда) араб имлосини ислоҳ қилиб «хатти Бобурий»ни кашф этган. Улкан адиб ва олим Пиримқул Қодировнинг айтишича, ушбу алифбо «Туркий тилнинг бой оҳанги ва товушларини ўзида тўлиқ ифода этадиган янги алифбо эди». Шундай қилиб, туркий тилни жаҳоннинг энг улуғ адабий тиллари қаторига кўтариш мақсадида Алишер Навоий ҳазратлари бошлаган мислсиз тил ислоҳотини Мирзо Бобур бир етуклик билан давом эттириб, 22 ёшидаёқ ана шундай муваффақиятга эришади...

Демак, аён бўляптики, ёшлик — нуқсон эмас, балки инсоннинг фазилати ва бебаҳо имкониятидир. Ёшликни шундай тушуниш ва уни беҳад қадрлаш керак.

Мустақил она Ўзбекистонимизда ёшлик юксак қадрланмоқда. Ёш авлоднинг салоҳиятини юзага чиқариш мақсадида давлат миқёсида ҳар тарафлама чора-тадбирлар кўрилмоқда. Президентимизнинг, давлатимиз ва халқимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлиги, айниқса, Ёшлар йили деб ном олган 2008 йилда, шак-шубҳасиз, янада юқори амалий босқичларда намоён бўлади.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Наманганда фермерлар билим ва малакасини ошириш, уларни тармоқдаги янгиликлар, меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан таништириш мақсадида навбатдаги ўқув машғулотлари ташкил этилди.***

## Фермерлар ўқуви

Машғулотларга жалб этилган 12,5 минг нафар фермер хўжалиги раҳбарлари агротехника, иқтисодиёт, ҳуқуқий йўналишдаги билимларини бойитишяпти.

Ўқув семинар тарзида ташкил этилаётган машғулотлар Тўрақўрғон, Чортоқ, Наманган, Уйчи туманларида ниҳоясига етказилиб, тингловчиларга махсус сертификат топширилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Харажат эмас, даромад ортди

***Андижонлик темирйўлчилар якунланган йилда 356 миллион тонна турли юкларни ўз манзилларига етказиб бердилар. Юк ташиш салмоғи аввалги йиллардагига қараганда 108,2 фоизга ортди.***

Эришилган муваффақиятда депо ишлаб чиқариш техника бўлими ишчи-хизматчиларининг ўрни салмоқли бўлди.

Иш жараёнида истиқболли лойиҳаларнинг қўлланилиши эвазига харажатлар кескин қисқарди. Биргина тепловознинг гидравлика қисмидаги подшипникларни янгилаш ҳисобига 13 миллион 74 минг сўмлик иқтисодий самарага эришилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янги иш ўринлари

Жондор туманидаги «Евроснар» қўшма корхонаси ўтган йили қайта модернизация қилинди. Натижада бу ерда чигитни қайта ишлаш йиллик қуввати 1750 тоннадан ошди. Янги иш ўринлари очилиши ҳисобига эса ишчилар сони 98 нафарга етди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Хоразм маликаси» Боёвутда

***«Хоразм маликаси» — Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг Боёвут туманидаги Деҳқонобод қишлоғида иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ «Хоразм маликаси» гиламлари Сирдарё вилоятидагина эмас, қўшни ҳудудларда ҳам кўпайди.***

Дастлаб иш бошланганида ишчилар Хоразмдан келишган эди. Ҳозир барча мураккаб юмушларни деҳқонободлик йигит-қизларнинг ўзлари уддалашаяпти.

Ўтган йилнинг учинчи чорагида корхонада 30 минг квадрат метр гилам ишлаб чиқарилди. Янги йил учун тузилган шартномалар ўтган йилдагига қараганда икки ярим ҳисса кўп. Бундан ташқари, корхонага Туркиядан янги, замонавий ускуналар келтириш ва корхонани янада кегайтириш чоралар кўрилаяпти.

**Ортиқ СУЛТОНОВ.**

## 12 миллион сўмлик маҳсулот

***«Жиззахавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти қошидаги «Йўлчи Юлдуз» сервис корхонаси ҳар йили 17-20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқда.***

Бугунга келиб 1200 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган вилоят йўлсозлари ташкилоти барча аъзоларини ёзги-қишки махсус кийимлар билан таъминлаб улгурди. Шунингдек, корхона тикувчилари буюртмалар асосида турли соҳа ишчилари учун махсус кийим-бош, анжомлар ҳам тикмоқда.

Жамоа сардори Хосият Турмуҳамедованинг таъкидлашича, ўтган йилда касаначилар кучи билан 12 миллион сўмликка яқин маҳсулот тайёрланди.

Айни пайтда, «Жиззахавтойўл» давлат ташкилоти тизимидаги жамоаларда 70 нафардан зиёд касаначи бор.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СИНГАПУРЛИК ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

***Яқинда сингапурлик бир гуруҳ тиббиёт соҳаси мутахассислари Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Мазкур ташриф ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида юртимиз тиббиёт тизими билан танишиш истагида бўлган Сингапур томонининг ташаббуси билан ташкил этилди.***

Ташриф чоғида сингапурлик мутахассислар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида музокаралар ўтказди. Бу ерда улар мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, аҳоли тиббий маданиятни оширишга қаратилган Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнлари, шунингдек, тиббий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид масалалар билан атрофлича танишишди.

Меҳмонлар Республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш илмий маркази, Республика ихтисослашган жарроҳлик маркази ва мамлакатимизнинг бошқа тиббий муассасаларида ҳам бўлишиб, ташхис қўйиш усуллари ва клиникаларда беморларнинг даволанишлари учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечиришди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатда Сингапур делегацияси аъзолари ташриф натижалари билан ўртоқлашишди.

Сингапурдаги 14 та клиникани бирлаштирадиган давлат муассасаси — **«National Healthcare Group» бош менежери Камалжит Синх Гил**нинг сўзларига кўра, ўзбек шифокорларининг билим ва тажрибаси юксак баҳога муносибдир.

— Келгусида биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан бирга юрак, буйрак, жигар ва бошқа ҳаётий муҳим аъзоларда қўшма жарроҳликларни ўтказишни режалаштирмоқдамиз, — дейди у. — Шунингдек, биз Сингапурда малака ошириш ўқув курсларини ташкил этиш ниятидамиз. Бунда ўзбекистонлик тиббий мутахассислар ўз сингапурлик ҳамкасблари билан тажриба алмашиш имкониятига эга бўлишади.

**Сингапурнинг «Parkway Health» хусусий клиникаси вице-президенти Черинжит Кумар Шори**нинг таъкидлашича, мустақиллик даврида Ўзбекистонда Давлат ижтимоий сиёсатининг устуворларидан бўлган соғлиқни сақлаш тизими, халқаро даражага кўтарилган.

— Сафар асносида биз юртингиз тиббий муассасаларининг замонавий ускуналар билан жиҳозланишига ҳамда тиббиёт соҳаси ходимлари малакасининг оширилишига юксак эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдик. Икки мамлакат шифокорларининг яқин ҳамкорлиги келажакда ўз ижобий натижаларини беради, деб ҳисоблайман, — деди сингапурлик меҳмон.

**З. АБДУҒАФФОРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**

# ЁШЛИК – КАМОЛОТ ФАСЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз ва халқимизнинг ёшлардан умиди шуки, буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидай, ёшлар ҳаётда ўзлари кўзлаган барча умид-орзуларига етсинлар, етуклик чўққиларига кўтарилишсин, биз эришмаган довонларга эришсинлар. Бунинг учун давлат ва халқ, яна бир улуғ шоиримиз айтганидай, ёшларга ўз елкасини тутишга тайёр. Ва шундай бўляпти ҳам.

Ўзбекистонда таълим ва тарбия ниҳоятда улуғланмоқда. Фарзандларимизнинг маънавий ривожланиши билан бир қаторда жисмонан баркамол бўлиб вояга етишишлари учун спортга эътибор кучайтирилмоқда. Ҳозирги кунда олис қишлоқларда ҳам энг замонавий мактаблар, лицейлар, коллежлар билан бир қаторда халқаро андозалардаги спорт мажмуалари барпо этилаяпти. Барча ҳудудларда болаларимиз ўзларининг ҳар тарафли баркамол бўлиб етишишлари учун тенг даражадаги шароитларга эга бўлмоқдалар.

«Нима эксанг — шуни ўрасан», деган бир ҳикмат бор. Ватанимизда ёшлик — инсон ҳаётининг ғоятда масъулиятли даври сифатида эъзозланмоқда. Ёшларимиз мана шундай эътибор ва ғамхўрликларга жавобан, ҳаётнинг барча соҳаларида оламшумул ютуқларга эришмоқдалар. Спортда, илмфанда, ҳунармандчиликда, маданиятда, таълим ва тиббиётда, ишлаб чиқаришда Ўзбекистон ёшлари эришаётган ютуқлар халқаро миқёсда тан олинаётир. Бу ютуқлар борган сайин кўпаймоқда.

Яқинда матбуотда 16 ёшли кашфиётчи Маъруфжон Каримовнинг катта ютуқлари тўғрисида ўқидик. Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги академик лицейда, физика-математика йўналишида таълим олаётган бу йигитча ҳаво билан ҳаракатланадиган двигателни ихтиро этибди. Бу ихтиро «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган «Келажак овози» танловининг мукофотига сазовор бўлди. Ёш ихтирочининг бу янгилиги, чиндан ҳам, инсониятнинг асрий орзусидир. Албатта, бу ўсмир фарзандимиз ҳозир ўз ихтиросини такомиллаштириш устида қизғин ишламоқда. Ишончимиз комил: ихтирони қилган одам уни такомиллаштиришда ҳам албатта ютуқларга эришади. Бу ихтирога ҳозирнинг ўзида чет давлатларда, масалан, Германияда қизиқиш пайдо бўлибди... Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари, мана, қандай вояга етмоқда!

Биз шу пайтгача, тарихимиздаги буюк алломалар билан фахрланиб келдик. Бундан кейин ҳам фахрланамиз, албатта. Шу билан бирга, улуғ аждодлар вориси бўлган ҳозирги Ўзбекистон ёшлари орасидан ҳам Ватанимиз довруғини оламга ёядиган машҳури замон инсонлар етишиб чиқишига астойдил ишонамиз. Чунки ёшларимизда очилаётган салоҳиятнинг ўзи бизни ҳайратлантирмоқда. Ўзбекистон таълим-тарбия юксалиб боргани сайин ёшлар имконияти тобора равнақ топади. Ҳа, ёшлик-ғўрлик эмас, ёшлик-фазилатдир, маънавий парвозлар давридир.

**Михли САФАРОВ,**
**шарҳловчи.**

---

**Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги изчил ислоҳотлар ўз мевасини бера бошлади. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида залворли одимлар ташланди. Аниқроғи, Президентимизнинг ташаббуслари билан жиноят қонунчилигидан ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши қонун мақомида жорий йилнинг 1 январидан кучга кирганлиги фикримиз далилидир.**

# САНКЦИЯНИ СУД БЕРДИ

Дарҳақиқат, мазкур қонунларни юртдошларимиз ҳамда халқаро ҳамжамият катта қизиқиш билан кутиб олди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш эканлиги Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонида эътироф этилган бўлиб, унга мувофиқ тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мажбурияти белгилаб берилди. Бугунги кунда ушбу мажбурият тўлиқ бажарилди. Хусусан, юқорида номи зикр этилган Фармон, 2007 йил 11 июлда кучга кирган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги "Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш юзасидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида"ги буйруғи, қолаверса, икки йилдан кўпроқ муддатда жойларда олиб борилган илмий-амалий анжуманлар, қизғин муҳокамалар натижасида ишлаб чиқилган дастурий механизм ва бошқа намунавий ҳужжатлар бу борадаги масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди.

**▼ Қонун ва ижро**

Республикамизнинг бошқа ҳудудлари каби жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судлари судьялари билан ҳам бир неча бор ўқув-семинарлари ташкил қилиниб, уларнинг ушбу ваколатни бажариш салоҳиятлари синаб кўрилди. Бевосита бу вазифани амалга оширувчи туман (шаҳар) судларида тегишли навбатчилик жадваллари тузилиб, суд муҳокамасига тайёргарлиги ташкил этилди. Таъбир жоиз бўлса, кутилган мазкур тарихий воқеа — қамоққа олишга санкциянинг судлар томонидан қўлланилиш механизми вилоятимизда илк бор 2008 йил 3 январда жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани судида ишга тушди. Суд ажримига кўра, туман прокурори томонидан Жиноят Кодексининг 169-моддаси 3-қисмининг "а" банди билан айбланувчи Қудратов Муродга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида қўзғатилган илтимоснома қаноатлантирилган. Муҳокама ёпиқ суд мажлисида раислик этувчи судья, суд мажлиси котиби, туман прокурори, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси, таклифга кўра қатнашган терговчи иштирокида, тортишув принципи амалга оширилган ҳолатда ўтган. Тақдим этилган иш материалидан кўринишича, М. Қудратов 2007 йил 7 декабрь кечаси Чироқчи туманидаги Хитойсой қишлоғида яшовчи фуқаро Э. Сафаровнинг ҳовлисига кириб, унинг бир бош *(бозор баҳоси 800.000 сўм)* 8 ойлик тойини ўғирлаб, Косон туманига олиб боради ҳамда 540 минг сўмга сотган. У жиноий фаолиятини яна давом эттириб, 2007 йил 24 декабрь кечаси Хитойсой қишлоғида яшовчи фуқаро Ш. Отаёровнинг ҳовлисидан 10 яшар йилқисини *(бозор баҳоси 1.400.000 сўм)* ўғирлаб, Косон туманидаги Зулфиқорота қишлоғида яшовчи Ж. Нуралиевга 700 минг сўмга сотиб юборган. У 2008 йил 1 январь куни ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинган. Айбланувчи ўз айбига иқрорлик билдирган, ҳимоячи унинг ижобий томонларини эътиборга олишни илтимос қилган бўлса-да, Чироқчи туманидаги "Янгиҳаёт" қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилган салбий мазмундаги тавсифномани, шунингдек, М. Қудратовнинг доимий равишда ичкиликка ружу қўйиб, бир нафар боласи билан хотинини уйдан ҳайдаб, уйини сотиб, яқинда четга ишга кетмоқчи бўлиб юргани ҳақидаги маълумотларни текшириб, қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда унинг тергов ва суддан яшириниши мумкинлиги тўғрисидаги ўринли тахминни ҳисобга олиб суд, қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаган.

Шунингдек, жорий йил 4 январда жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз тумани суди судьяси томонидан Тўлқин Даминов деган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси тариқасида қамоқ қўлланилган. Шаҳрисабзлик Т. Даминов 2008 йил 2 январь куни рашк оқибатида А. Кўчаровни пичоқлаб ташлайди, бироқ ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда уни ўлдириш мақсадини охиригача етказа олмайди.

Тортишувчанлик тамойилига амал қилинган ҳолда ўтган ёпиқ суд мажлисида айбланувчи А. Кўчаровни қасддан ўлдирмоқчи эканлигини яширмайди. Суд вазиятга ҳуқуқий баҳо бериб, прокурорнинг илтимосномасини қаноатлантирган.

Хуллас, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ваколати судларга ўтгандан буён вилоят туман (шаҳар) судлари томонидан ўндан ортиқ шахсга нисбатан шундай эҳтиёт чорасига санкция берилди. Шу давр ичида айбланувчи ёки жабрланувчининг қариндош-уруғлари, шунингдек жамоатчилик, айблов ёхуд оқлов томондан эътироз ёки норозичилик ҳолатлари кузатилмади. Бу юқорида қайд этиб ўтилган қонунлар ижроси юзасидан олиб борилган ҳуқуқий тарғибот ишлари, шунингдек, суд ҳокимиятининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда ишлаб чиққан дастурий кўрсатмалари самарасидир.

**Холмуҳаммад ҲАСАНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди раиси.**

---

**Яхши хабарлар**

***Қирқ йилдирки, Сариосиё туманида кўзи ожизлар ўқув ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда.***

## Кўнгилларга меҳр улашиб

Корхонани шинамгина шаҳарча деб ҳам атайдилар: озода уй-жойлар, мактаб, гилам тўқиш, бичиш-тикиш ва бошқа ишлаб чиқариш цехлари.

Туман ҳокимлиги яқинда яна бир катта ишга бош бўлди. Ҳомийлар ёрдами билан корхона учун шинам клуб қуриб, ҳадя этди. Клуб кутубхонасига янги китоблар келтирилиб, маърифат ва маънавият хонаси жиҳозланди. Спорт билан шуғулланиш шароитлари яратилди. Хизмат кўрсатиш соҳаси йўлга қўйилди.

Корхонада ишлаб чиқаришни энди касаначилик асосида ривожлантириш тадбирлари режалаштирилмоқда.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Устознинг бойлиги талабаларга

***Педагогика фанлари доктори, профессор, 1-даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Талъат Усмонхўжаев фахрий устозлардан саналади. У умрининг кўп қисмини миллий халқ ўйинлари, спорт турларини тиклаш ишларига сарфлади.***

Устоз бир неча йиллардан буён Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти билан ҳамкорлик қилиб келади. Яқинда у мазкур даргоҳда бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда ўз шахсий кутубхонасидаги китобларни шу олий ўқув юртининг ахборот-ресурс марказига топширди. Зиё масканлари янги китоблар билан бойиганлиги, албатта, талаба ёшлар қувончига сабаб бўлди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Дастурхон файзи

***«Қўқоннон» корхонаси таркибида 4 та масъулияти чекланган жамият ташкил этилди. Шулардан бири — «Қўқон йодли нон» масъулияти чекланган жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган сифатли ва хуштаъм нон ва нон маҳсулотлари тез орада харидорлар эътиборини тортди.***

Янги жамият цехларида 5 турдаги «Йодли нон», «Барака», «Яхшилагич», «Кишмишли қора нон» ҳамда «Йодли оддий батон» каби нон ва нон маҳсулотлари аҳолига етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари, корхона новвойлари яқин орада «Маъмура», «Сайка», «Ўрикқоқилик», «Ер ёнғоқлик» ва «Майизли» хуштаъм нонларни харидорларга етказиш борасида изланиш олиб бормоқда.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# МУСИҚА БОЛАНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

**_Шаҳримизда 2-болалар санъат мактаби фаолият кўрсатмоқда. Мактабда фортепиано, скрипка, ўзбек халқ чолғу асбоблари синфлари, шунингдек, хореография, анъанавий хонандалик ва созандалик каби йўналишлар мавжуд. Бу ерда 220 нафардан зиёд ўқувчига тажрибали устозлар санъат оламининг сир-асрорларини ўргатмоқдалар._**

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўртасида ўтказиладиган Мухтор Ашрафий ва Муҳиддин Қориёқубов номидаги кўрик-танловларда ўқувчиларимиз фаол қатнашиб, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Истиқлол туфайли ёшларимизнинг санъат, спорт ва илм-фан соҳаларида ўз салоҳиятларини намоён қилишлари учун кенг йўл очилди. Шу маънода, "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва

**▼ Муносабат**

уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президентимиз Фармойиши Ёшлар йилининг илк эзгу саъй-ҳаракатларидан бири бўлди.

Фармойишга мувофиқ, мактабимиз ҳам замон талаблари даражасида таъмирланади, ўқувчиларимизнинг мусиқий билимларини ошириш борасида яна ҳам мукаммал шарт-шароит яратилади. Зеро, бола тарбиясида мусиқанинг аҳамияти беқиёс. Шундай экан, юртимиз келажаги бўлган ёшларимиз эртаси учун бугунданоқ мустаҳкам пойдевор ҳозирлаш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимизга айланмоғи шарт.

**Одил СУННАТОВ,**
**Ўзбекистон халқ ўқитувчиси.**
**Каттақўрғон шаҳар 2-болалар санъат мактаби директори.**

---

# КАСАНАЧИ ЧЕВАРЛАР

***Наманган шаҳрининг «Шаршара» маҳалласида яшовчи Насимжон ака Турғунов хонадонини чеварлар оиласи, дейишади.***



Аҳмад ҲАМДАМ олган сурат.

Чунки рўзғор бекаси Маҳмудахон опа чок устаси бўлса, қизлари ҳамда келинлари эса қўли гул чеварлардир. Яқинда улар касаначилик асосида «Муштарий» ҳиссадорлик жамиятига ишга қабул қилинди.

Бугун «Муштарий»да 200 нафардан ортиқ қиз-жувонлар касаначилик асосида меҳнат қилаётир.

Бандликка кўмаклашиш марказининг Наманган шаҳар бўлимининг аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш борасида олиб бораётган изчил тадбирлари туфайли биргина ўтган йилнинг ўзида 7210 нафар оила бекаси саноат корхоналари билан уйда ишлаш юзасидан шартнома имзолашди. Улар тайёрлаётган халқ истеъмоли моллари бозорларни рақобатбардош моллар билан тўлдиришга хизмат қилмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

**Навоий томонларда**

*Навоий вилояти асаларичилари ассоциацияси ўтган йилни самарали якунладилар. Улар мавсумда 300 тоннадан зиёд экологик тоза асал олишга муваффақ бўлишди.*

## Қизилқум асали

Ҳудудда 150 тадан зиёд асаларичилик билан шуғулланаётган асаларичи-тадбиркор меҳнат қилади.

Қизилқум чўлларида олинаётган асал ўзининг ширадорлиги, тозалиги ва шифобахшлиги билан ном қозонган. Шу боис ҳам, у бозор пештахталарида туриб қолмайди.

## Қишда айни пишиқчилик

*Зарафшон шаҳар қурилиш бошқармасига қарашли агроцех йил бўйи маъдан изловчиларнинг дастурхонларини сервитамин полиз ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб келади.*

Қишнинг қорли-қировли кунларида ҳам агроцех иссиқхоналарида иш қизғин. Бу ерда етиштирилаётган сабзавотлар, полизлару бодринг, шунингдек, цитрус мевалар олтинпазлар дастурхонига тортиқ этилаётир.

Агроцехнинг тажрибали деҳқонлари Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий-текшириш институтининг Самарқанддаги филиалидан келтирилган 400 туп мевали кўчатларни ҳам меҳр билан ўстиришаётир.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## Қишлоқда бахт кошонаси

**▼ Туҳфа**

Самарқанд туманидаги Ўрташиқ қишлоғида янги бахт кошонаси — ФХДЁ бўлими фаолият кўрсата бошлади. Ёшлар маркази мажмуаси ёнида барпо этилган ушбу иншоот янги оила қураётган қишлоқ ёшларига «Ёшлар йили»-да муносиб совға бўлди.

Мазкур масканда янги оила қураётган ёшлар учун давра суҳбатлари, учрашувлар, савол-жавоб кечалари уюштириш ҳам йўлга қўйилади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

**▼ Интилиш**

***Янгийўл туманидаги "Расулов Г.И." масъулияти чекланган жамият жамоаси "Микрокредитбанк"нинг Тошкент вилояти филиалидан йиллик 7 фоиз устамаси билан 36 ой муддатга 24,6 миллион сўм миқдорида кредит олган эди. Уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирди.***

## Кредитлар барака келтирди

Натижада, корхонада ёғоч хом ашёсидан ясалаётган эшик-деразалар ва мебеллар тури кўпайиб, 25 та янги иш ўрни яратилди.

Молия муассасаси билан мунтазам ҳамкорлик бўкалик Рустам Ёқубов бошчилигидаги "Оташ-Осиё бизнес" хусусий корхонаси учун ҳам муваффақиятлар келтирмоқда. Тадбиркор "Ипотекабанк" филиали ажратган 100 миллион сўм эвазига 400 ўринли маросимлар уйи ва компьютер хизмати кўрсатиш шохобчасидан иборат муҳташам мажмуа қурди. Уни замонавий жиҳозлар ва Интернет тармоғига уланган олтита компьютер билан таъминлади.

Рустам Ёқубов эндиликда банкдан яна 50 минг АҚШ доллари миқдорида кредит пули олиб, мебеллар ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган иккита цех очиш, шу тариқа, ўттизга яқин кишини иш билан таъминлаш ниятида.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

ХОРАЗМ ҚОВУНЛАРИ:

# ТИЛИМИ ТИЛНИ ЁРАДИ

***Азал-азалдан машҳур Хоразм қовунлари довруғи бугунги кунда ҳам сўнмаганининг сири нимада? Сабаби аён: Хоразм воҳасида қишлоқ хўжалик соҳасининг бу тармоғига эътибор кучайтирилмоқда. Вилоятда полизчиликка ихтисослашган 50 дан ортиқ фермер хўжалиги бор. Ҳар бир туманда эса қовун уруғи етиштирадиган фермер хўжаликлари фаолият юритаяпти. Улар зарур техника воситалари ва уруғлик билан таъминланган.***

Республика сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм вилояти таянч бўлимида ҳам Хоразм қовунлари навларини кўпайтириш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили ушбу бўлим фермер хўжаликларига 1 тоннага яқин серҳосил қовун уруғи етказиб берди. Натижада, вилоят бўйича 1 минг 200 гектар майдонда қовун етиштирилди. «Гурлан», «Амударё», «Саховат», «Гурвак», «Гулоби Хоразмий», «Заргулоби» каби навлардан гектар ҳисобига 400 центнердан ҳосил олинди.

— Далаларимизда ҳар йили 55 дан ортиқ қовун навлари уруғи экилиб, синовдан ўтказилади, — дейди республика сабзавотчилик, полизчилик, картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм вилояти таянч бўлими раҳбари Ғайрат Гулимов. — Улар орасида халқимиз севиб истеъмол қиладиган «Гурвак»нинг бешта, «Бешак»нинг эса ўндан ортиқ навлари мавжуд. Айни чоғда хорижий мамлакатларнинг полиз экинлари ҳам воҳа шароитида синаб кўрилаяпти. Мисол учун, чет элда етиштириладиган «Чарлстон грай» тарвуз нави бизнинг шароитга мос экан, юқори ҳосил бермоқда.

**▼ Фахр**

— Қовун етиштириш агротехникага қай даражада эътибор беришга ҳам боғлиқ, — дея суҳбатга қўшилади қишлоқ хўжалик фанлари доктори Бахтиёр Абдулниёзов. — Айтайлик, экин меъёридан ортиқ суғорилса, қовуннинг мазаси, яъни қандлилик даражаси пасайиб кетади. Ёки ерга кўпроқ маҳаллий ўғит солинса, экологик тоза маҳсулот етиштирилади.

Маълумки, ҳозирда қовун палакларини зараркунандалардан сақлашда кимёвий усулдан фойдаланилмоқда. Бунинг ўрнига биологик усулларни қўллаш мумкин эмасми? Биз айни шу усулини яратиш борасида изланишлар олиб бораяпмиз.

Гурланлик фермер Салай Маҳмудовнинг айтишича, Хоразм қовунлари шуҳрати баландлигига икки омил сабаб. Биринчиси, Хоразм — қуёш ўлкаси, шу боис тупроғи саховатли. Иккинчиси, хоразмлик деҳқоннинг меҳнаткашлиги.

— Фермер хўжалигимиз қовунчиликка ихтисослашган, — дейди у. — Биз бу экиндан кўп ва хўб ҳосил олиш мақсадида майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қовун уруғчилигини янада такомиллаштириш, хусусан, қадимги қовун уруғларини кўпайтириш бўйича иш олиб бораяпмиз.

Вилоятда жорий йил ҳосили учун 2 тоннага яқин уруғ ғамлаб қўйилган. Баҳорда далаларга қовуннинг салкам 50 хил навини экиш режалаштирилмоқда. Демак, Хоразм қовунларининг шухрати янада ортаверади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

